

EASTERN THINKERS ABOUT THE ROLE AND PLACE OF THE TEACHER IN THE MORAL EDUCATION OF STUDENTS

N.Kh.Vokhidova,

Associate Professor of Tashkent State Pedagogical University,
Candidate of pedagogical sciences.

Annotation.

This article discusses the role of teachers in the moral education of students by oriental thinkers.

Key words:

Eastern thinkers, heritage, teacher, mentor, ethics, problem, spiritual and moral education, professionalism, professionalism, creativity, communication culture, pedagogical technique.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг¹ 4.5. "Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш" бандида белгиланган чора тадбирларни, айниқса жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш зарурлиги таъкидланган.

Янгиланаётган Ўзбекистонга, ижодкор, ўз соҳасининг билимдони бўлган, замонавий ахборот асри талабларига жавоб берувчи, янгиланаётган шароитларга тез мослашувчи, ўз соҳасини яхши билувчи мутахассислар керак. Шунинг учун Олий таълим тизими олдидаги муҳим вазифалардан бири ўқув юртини тамомлаётган битирувчилар билими сифати даражасини ошириш, уларни зарурий билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш бўлса, иккинчи томондан ўз касбий фаолиятининг субъекти сифатида шакллантиришдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "XXI асрнинг Олий таълими" Бутунжаҳон декларацияси, ЮНЕСКОнинг "Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш"² дастурий ҳужжатларида ҳам дунё миқёсида педагог кадрларни тайёрлашда таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги ва узвийлигини таъминлаш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларни маънавий ахлоқий компетентликни такомиллаштиришнинг педагогик ва психологик имкониятларини кенгайтириш механизмлари таълим жараёнига татбиқ этиб келинмоқда. АҚШ, Германия, Англия, Россия, Франция, Япония каби давлатларда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини таъминлаш билан бир қаторда юксак маънавий-ахлоқий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу нуқтаи назардан, бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини такомиллаштириш, унда миллий қадриятларнинг ўрнини ёритиш масалалари В.Каримова, Г.В.Избуллаева, М.Э.Исмоилова, У.Маҳкамов, Б.Ш.Мирзаолимов, Н.Ортиқов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Ш.Ш.Олимов, Н.Дж.Маҳмудова, Н.Х.Орипова, Ж.Ҳасанбоев, Ш.С.Шодмонова, Ш.Қурбонов, М.Қурононов, А.Ҳайдаров, Ш.Т.Ҳалилов, О.Ҳасанбоева; бўлажак мутахассисларни маънавий-ахлоқий ва касбий тайёргарлиги масалалари Н.Э.Азимова, Н.М.Очилова, М.Э.Аҳмедова, Ш.Қ.Мардонов, Г.И.Маҳмутова, Ш.Райимов, Б.Х.Раҳимов, З.Исмоилова, Н.М.Эгамбердиева,

¹ 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналиш бўйича Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси.

² Доклад ЮНЕСКО по науке – 2015 – На пути к 2030 году. UNESCO Publishing, 2017. – 794 с.

З.Т.Салиева, Ў.Қ.Утанов; таълим муассасаларида тарбиявий ишлар тизимини самарали ташкил этиш ва “Тарбиявий ишлар методикаси” фанидан ўқитиш тизимини такомиллаштириш масалалари Ю.П.Азаров, Р.А.Мавлонова, З.Э.Азимова, Г.Х.Ибрагимова, Б.А.Назарова, Н.Х.Раҳмонқулова; таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш масалалари А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Ф.Зокирова, Х.А.Тўрақулов, Н.Х.Кушвақтов, Н.Тайлоқов, О.Қ.Ҳайдаров, Ш.Ф.Холматов, А.Ҳайитов, Ф.Т.Эсанбобоев; таълим-тарбия жараёнида интерфаол методларни қўллаш йўллари Р.Х.Джураев, Н.Сайидахмедов, Ў.Толипов, Н.Усмонбоева, Ж.Ғ.Йўлдошевлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари В.П.Беспалько, Д.А.Белухин, Д.С.Лихачев, И.В.Гармаза, О.Ю.Макарова, Л.В.Занина, И.Ф.Исаев, О.С.Карнова, Н.П.Меньшикова, Л.М.Митина, Т.Н.Панаева, И.П.Подласқй, В.С.Селиванов, Е.С.Полат, Т.Ф.Лқсенко Е.Н.Шиянов, В.А.Сластёнин, А.А.Горонидзе, А.А.Калюжнқй, И.А.Черкашинлар томонидан таълим технологияларини такомиллаштириш, маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмун-моҳияти, бўлажак мутахассисларнинг маънавий-ахлоқий ва касбий тайёргарлигига доир методологик ёндашувлар ўрганилган.

Шарқ алломалари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Абул-Қосим Умар аз-Замахшарий, Жалолиддин Давоний, Унсурул Маолий Кайковус, Шайх Саъдий Шерозий, Ҳусайн Воиз ал-Кошифийлар ўқитувчиларни ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалаларининг асосини яратганлар дейишимиз мумкин. Мазкур мақолада айнан ана шу ҳақида фикр юритамиз.

Шарқнинг етук мутафаккири Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида мударрисга бўлган эҳтиёжни шундай таснифлайди: “Ҳар бир бола ўзича нарса ва ҳодисаларни била олмайди ҳамда бахтга эришолмайди. Унга бунинг учун ўқитувчи лозим”³.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний “Ҳиндистон” асарида: “Бизнинг мақсадимиз ўқувчиларни толиқтириб қўймасликдир, бир мавзуни қайта-қайта такрорлаб ўқиб бериш ўқувчини зериктиради, хотирасини сусайтиради. Агар ўқувчи бир мавзудан бошқа бир янги мавзуга ўтиб турса, у худди турли-туман боғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа бир боғ бошланади. Бола уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келаверади. Ҳар бир янги нарса болага роҳат бағишлайди, деб беҳуда айтилмаган”⁴,– деб ёзиб, болаларни мактабда ўқитиш ва тарбиялашда турли метод ва воситалардан фойдаланиш кераклигини таъкидлайди.

Шайх ур раис номи билан дунёга машҳур Абу Али ибн Сино “Тадбир ал манозил” асарида шахс тарбиясида устозлар маълум бир тартиб қоидаларга риоя қилишлари кераклигини таъкидлаб, мазкур қоидаларни қуйидагича таснифлайди:

- 1) Болалар билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш.
- 2) Берилаётган билимнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига эътиборни қаратиш.
- 3) Таълимда турли шакл ва методлардан фойдаланиш.
- 4) Ўқувчининг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини назорат қилиш.
- 5) Болаларни фанга қизиқтира олиш.
- 6) Берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиш.
- 7) Билимларни ўқувчиларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда тушунарли олиб бориш.
- 8) Ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш.

Панднома характерида яратилган Кайқовуснинг «Қобуснома»сида болаларни яхши мударрис қўлига топшириш кераклиги таъкидланади.

³Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.:Халқ мероси,1993. – 223 б.

Абул-Қосим Маҳмуд Ибн Умар аз-Замахшарий “Навобиғ ул-калим” (“Нозик иборалар”) номли асарида мударрисларнинг бола тарбиясидаги аҳамияти беқиёс эканлигини таъкидлаб ёзади: “Мураббий ўқиб турсагина мураббий бўла олади, агар ўқишни тўхтатиб қўяр экан, унда мураббийлик ўлади”⁵.

Саъдий Шерозий “Гулистон” асарида ўз даври мударрисларини турли тоифага бўлиб, уларни таърифлайди. Қаттиққўл ўқитувчиларни “..башараси тиришган, тили заҳар, ёмон хулқли, одамларни ранжитадиган, гадоё табиатлик, очкўз, уни кўриши билан шогирдларининг кайфияти учар”, шогирдлар ундан билим ва тарбия ололмайдилар. Яна бир тоифадаги ўқитувчилар “...содда, яхши ва юмшоқ кўнгилли одам. Унар-унмасга сўзламас эди ва болаларни ранжитадиган сўзлар оғзидан чиқмас эди. Унинг фариштадек ахлоқлилиги ва меҳрибонлигини кўрган болалар мураббийни менсимай қўйдилар. Унинг юмшоқ табиатлик эканлигини билишиб, илми ҳам ўрганмайдилар. Алқисса болалар ўйин ва тўполонга берилиб вақтни бекорга ўтказдилар”.

Байт: Агарда муаллим бўлса беозор,
Болалар синфни қилишар бозор⁶.

Буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомий XV асрда яшаб ижод қилган. У ўз асарларида инсоннинг юксак ахлоқий ҳислатларини, гўзал фазилатларини куйлайди. «Искандар хиродномаси» асарида муаллимлар тўғрисида ноёб фикрларни билдирган: “Муаллим ақли, адолатли, ўзида барча юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Ўзини номуносиб тутган мураббий ҳеч вақт болаларга билим бера олмайди”. Шоир муаллимнинг ҳаётдаги ўрнини қуйидаги байтида баён қилади:

Устод, муаллимсиз қолганда замон,
Нодонликдан қора бўлурди жаҳон⁷.

Алишер Навоий “Маҳбуб-ул қулуб” дидактик асарида мударрис юксак ахлоқий сифатларга эга бўлиши, унинг ҳар бир иши “тилларида дoston бўлиши” ҳақида байтлар битиб, унинг кўнгили соф, қалби пок, инсофли, карамли-мурувватли, одобли, вафоли, кишилиқнинг энг яхши ва олижаноб ҳислатларини ўзида акс эттирувчи бўлиши кераклигини таъкидлаб, шундай ёзади: “Мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илми айтурға муртақиб бўлмаса ва худнамолиғ учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва ғавғо юргизмаса. Нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса ва гердаиш учун мадраса айвони унга бош ўрун бўлмаса. Диний улум билса ва яқиний масоил элга таълим қилса. Ярамасликлардан кўрқса ва нопокликдан қочса, наинки, ўзини олим билгай, неча нодонга турли хил фисқ ишларни мубоҳ, балки ҳалол қилгай, қилмас ишларни қилмоқ ундан содир бўлса ва қилур ишларни қилмаслик унга қоида ва русум бўлгай. Бу мударрис эмасдурким, ёмон одатни тарқатгувчидир ва мундоқ киши суҳбати ислом аҳлидин мумтанеъдур”⁸.

Ҳусайн Воиз ал-Кошифий бола тарбиясида мактаб ва муаллимнинг алоҳида ўрни борлиги ҳақида гапириб: «Мураббий болага насиҳат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларига риоя қилиши даркор деб таъкидлаб, доно, билимли, ширинсухан, адолатли бўлиши зарурлигини уқтиради⁹.

Шарқ мутафаккирлари меросини ўрганиш асосида айтиш мумкинки, мударрис, устоз, мураббийлар томонидан ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масаласи ҳар доим ҳам инсонларнинг диққат марказида турганлигини ҳамда бугунги кунда ҳам мамлакатимиз

⁵ Абул-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. “Нозик иборалар”. – Т.: “Камалак”, 1992.- 216-бет.

⁶ Саъдий Шерозий. Гулистон. – Т.: Ўз.ФА “ФАН” нашриёти, 2005.- 313 б

⁷ Абдураҳмон Жомий. Искандар хиродномаси.- Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 1978. – 125 б.

⁸ Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. М –Т.: Ғафур Ғулом нашриёти. 2011. – 768 б. : 18 фасл

⁹ Кошифий Ҳусайн Воиз. Ахлоқи муҳсиний (“Яхши хулқлар”). – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.

таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар мазмунига ҳам сингдирилганлигини кўришимиз мумкин.

Бу жараён бўлажак ўқитувчилардан касбий маҳорат, ижодкорлик кўникмаларини ҳосил қилиш, муомала маданияти, педагогик техника малакаларини ривожлантириш, ўқитувчилик маҳоратининг дастлабки салоҳиятини таркиб топтиришдан иборат бўлиб, кузатувчанлик, ижодкорлик, илғор педагогик тажрибаларни мустақил ўзлаштириш сирларини ўргатади, ўқиш ва ўқитиш жараёнида диққатни тақсимлаш, билим, кўникма ва малакалар, психик ҳолатларини бошқара олишни таъминлайди.